ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ТАЛАБАЛАРИНИ КАСБИЙ ИЖТИМОИЙЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ ДИАГНОСТИК МАСАЛАЛАРИ

С. Зоҳидова

Мақолада педагогика олий таълим муассасаси талабалари ижтимоийлашув омилларининг касбий шаклланишга таъсири диагностик материаллар асосида ёритиб берилган.

Калит сўзлар: *талаба, касбий ижтимоийлашув, мослашув, омил, мотив, диагностик параметр, таҳлил.*

В статье на основе диагностических материалов освещено влияние факторов социализации студентов высших педегогических учебных заведений на их профессиональное формирование.

Ключевые слова*: студент, профессиональная социализация, адаптация, фактор, мотив, диагностический параметр, анализ.*

On the basis of diagnostic materials the article describes the influence of socialization process of students of the higher pedagogical institutions on their professional formation.

Key words*: student, professional socialization, adaptation, factor, motif, diagnostic parameter, analysis.*

Халқаро миқёсда сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий ривожланишнинг янада чуқурлашуви, эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш учун зарур сиёсий жиҳатдан фаол фуқаролар – юқори савияли мутахассисларни, меҳнат бозорида рақобатбардош ва бозор муносабатлари шароитида ҳамкорликдаги фаолиятга қодир кадрларни етиштириш зарурати педагогик кадрларни тарбиялаш муаммосини янада долзарблаштирмоқда. Бу муаммоларнинг муваффақиятли ечими, энг аввало, олий педагогик таълим муассасаларининг жамиятдаги ўзгарувчан талабларга мос жавоб қайтара олиши, бўлажак ўқитувчиларда касбий аҳамиятли хусусиятларни шакллантириш қобилиятига боғлиқдир.

Маълумки, бугунги кунда педагогика олий таълим муассасаларига ҳужжат топширган абитуриентлар орасида педагог касбини эгаллаш учун эмас, балки уларга бошқа касбий фаолиятнинг бир қанча соҳаларида ишлаш имкониятини берувчи қандайдир абстракт таълим учун таҳсил олиш ҳолатлари ҳам учрайди. Шунинг учун айрим ҳолларда талабанинг синов имтиҳонларига тайёрлигидан далолат берувчи муваффақиятли ўзлаштириш касбий ижтимоийлашув жараёнининг ижобий якунидан далолат беради, деб ҳисобланади. Бундай қараш ноўрин бўлиб, касбий ижтимоийлаштириш жараёни талабаларнинг педагогика олий таълим муассасаларидаги мавжуд қадриятлар, меъёрлар, мақсад, вазифаларни англанган тарзда қабул қилишлари, педагогик таълимий фаолиятга кўникишга тайёрликка йўналтирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш заруриятини шарт қилиб қўяди.

Илмий далилларнинг назарий таҳлили, уларни умумлаштириш ва тизимлаштириш, шунингдек, илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш бўлажак ўқитувчиларнинг касбий педагогик тайёргарлигини таъминлаш жараёнида муҳим аҳамият касб этувчи мезон, йўналиш ва психологик-педагогик шароитларни аниқлаш имконини беради. Булар қуйидагилардан иборатдир: бўлажак ўқитувчиларни касбий ижтимоийлаштиришга қўйилаётган талабларнинг таълим муассасалари ҳамда жамият эҳтиёжлари билан ўзаро мувофиқлиги; бўлажак ўқитувчиларни касбий ижтимоийлаштиришнинг таълим ҳамда ижтимоий-маданий муҳитга боғлиқлиги; бўлажак ўқитувчиларни касбий ижтимоийлаштиришнинг юқори даражадаги рефлексив бошқарувларидан иборат.

Бўлажак ўқитувчиларни касбий-педагогик тайёргарлигининг юқори даражада бўлишига эришиш қуйидаги ҳолатлар мавжудлигини тақозо этади: ўқитувчининг касбий ва шахсий шаклланиш даражаси бу йўлда ташкил этилган жараённинг умумий моҳиятини ёритувчи педагогик тизим самарадорлигига чамбарчас боғлиқ; ўқитувчини касбий жиҳатдан шакллантиришни таъминловчи жараёнларнинг ташкилий бошқаруви мақсадга мувофиқ тарзда такомиллашиб боради; рефлексив бошқарув ўқитувчини касбий жиҳатдан шакллантиришдан кўзланган мақсаднинг натижаланишини кафолатлайди. Рефлексив бошқарув аниқ мақсадда ташкил этилаётган жараён хусусиятларини максимал даражада ҳисобга олиш, шунингдек, ҳар бир таъсирни унинг мазмунида намоён бўлувчи қонуниятлар билан мувофиқлаштиришни талаб этади.

Олий таълим муассасасида ўқишнинг дастлабки йилидаёқ талаба унинг кейинги ютуқларининг

мувафаққияти учун муҳим аҳамиятга эга бўлган янги муҳит ва фаолият шарт-шароитларига тўқнаш келади. С.А.Гапонованинг таъкидлашича, кўпчилик талабалар учун янги муҳитдаги шарт-шароитлар – қийинчиликларни енгиб ўтиш жараёни [1]. В.В.Лагерев эса, талабаларни касбий ижтимоийлаштириш жадал ва динамик тарзда амалга ошадиган, кўпқиррали ва мажмуавий жараён эканини таъкидлаб ўтган [2.5].

Педагогика олий таълим муассасаси талабаларини касбий ижтимоийлаштириш жараёни:

– талабаларнинг индивидуал имкониятлари, эҳтиёжлари, хилма-хил ўқув, меҳнат ва ишлаб чиқаришга доир ижтимоий аҳамиятга эга фаолиятни амалга оширишлари орқали уларнинг ижтимоий тажрибани ўзлаштиришга қаратилган ташкилий-педагогик жараён [3.5];

– шахснинг олий таълим муассасаси ўқув жараёнига кўникиши, меъёр, қадрият, педагоглик касбининг ўзига хосликларини фаол ўзлаштириши, ўзига янги ижтимоий мақомни қабул қилиши, шасхнинг ижтимоий муносабатлар тизимига уйғун равишда кириша олишини таъминловчи бўлажак касбий фаолиятга доир кўникма ва малакаларни эгаллаш жараёни [4.10];

– натижа сифатида талабаларнинг олий таълим муассасасидаги муҳитга мос хулқ-атвор стратегияси ва модели сифатида юзага чиқадиган тизимли ҳамда шахсий-фаолиятли ёндашув асосида талабаларнинг ўқув, тарбиявий, жисмоний-спортга доир фаолиятларини қамраб олувчи яхлит жараён [5.6];

– янги фаолият ва мулоқот шароитлари, шахснинг олий таълим муассасасидаги муҳит билан интеграцияси, унинг қадриятлари, хулқ-атвор меъёрларини қабул қилиш, шахслараро мулоқот кўникмалари ва касбий малакаларни шакллантириш жараёни [6.132].

Юқорида келтириб ўтилган ишлар таҳлилидан маълум бўладики, олий таълим муассасасида таълим олишнинг ўзига хосликлари қуйидагиларда ёрқин намоён бўлади:

1) педагогик-психологик ўзига хосликлар: олий таълим мазмуни, олий таълимда таълимни ташкил этиш шарт-шароитлари;

2) ижтимоий-психологик ўзига хосликлар: ижтимоий муносабатларнинг янги турини ўзлаштириш заруриятини мувафаққиятли амалга оширишга салбий таъсир кўрсатувчи субъектив омиллар (иродавий хусусиятлари ривожининг пастлиги; танлаган касбини эгаллашга иштиёқнинг пастлиги; ўз кучларига ишончнинг йўқлиги, олий таълимда муваффаққиятли ўқишни давом эттиришга шубҳа билан қараш).

Тадқиқот натижалари асосида мазкур хусусиятлар намоён бўлишининг педагогика олий таълим муассасаларини касбий ижтимоийлаштириш омиллари билан алоқадорлигини диагностик параметрларини аниқлаштириш лозим, деган хулосага келинди.

Талабаларнинг шахсий дидактик тайёргарлигини баҳолашга доир анкета саволлари натижалари шуни кўрсатдики, уларнинг умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими муассасаларидаги дидактик тайёрлиги улар кўпчилигининг фикри бўйича педагогика олий таълим муассасасида ўқишни давом эттириш учун етарли. Ўқув юкламасининг мураккаблигини аниқлаш учун эса, талабаларга бир нечта жавоб вариантлари (“Мен осон ўзлаштираман”, “Мен тўлиқ ўзлаштираман”, “Айрим фанларни ўзлаштириш менга қийин”, “Мен қийналаман, лекин ҳаракат қиламан”, “Юклама менинг имкониятларимдан жуда юқори”, “Мен учун ниҳоятда қийин, бажара олмайман”) ҳамда ўқув юкламасининг беш гуруҳига доир мураккаблик ва зўриқиш даражасидаги фарқлар тақдим этилди. Кўпчилик талабалар ўқув юкламани унчалик мураккаб эмас ва ўртача даражада мураккаб деб ҳисоблашларига қарамай, ҳар учинчи талаба тақдим этилган ўқув юкламасини юқори даражада қийинчиликка эга деб ҳисоблашади. Бир томондан талабалар учун ўқув фаолияти осон бўлмаган меҳнат тури, бу билан боғлиқликда олий таълим муассасасида ўқитиш шароитига мослаштириш омили юзага чиқади, бошқа томондан эса, айнан мазкур ўқув-касбий фаолиятни эгаллашга доир қийинчиликлар сақланиб қоладиган талабалар хулқ-атвор меъёридан оғиш, дезадаптация, талабалар сафидан чиқариш хавфи юқори бўлганларидир.

Ўқув жараёнида талабалар дуч келадиган асосий қийинчиликларнинг сабабларини таҳлил қилиш талабалар мазкур жараёнда ҳам субъектив (кўпинча талабаларнинг ўзларига боғлиқ бўлган), ҳам объектив (ташқи шарт-шароитлар билан боғлиқ), шунингдек, олий таълим муассасасидаги таълим мазмуни ва ўқув ишларини ташкил этиш билан боғлиқ мажмуавий муаммоларга дуч келадилар. Объектив омилларга талабалар қуйидагиларни киритишган: ҳафта давомидаги ўқув юкламасининг тенг тақсимланмаганлиги (30% талабалар мазкур сабаб таълим жараёнида қийинчиликларни келтириб чиқаришини кўрсатиб ўтишган), турли профессор-ўқитувчиларнинг талаблари ва баҳолаш мезонларнинг хилма-хиллиги (17 % респондентлар мазкур омилни алоҳида кўрсатиб ўтишган), ўқув адабиётларининг етарли эмаслиги (10% талабалар мазкур

омил муваффаққиятли таълим олиш учун қийинчилик туғдиришини айтиб ўтишган). Шунингдек, объектив гуруҳ омилларига талабалар семинар ва амалий машғулотларга тайёргарлик кўришда топшириқлар ҳажмининг кўплиги (19% талабалар) ва профессор-ўқитувчиларнинг тушунарсиз илмий тилдаги маърузаларини ўзлаштиришдаги мураккаблик (10% талабалар) каби қийинчиликларни ҳам киритиш мумкин.

Талабаларнинг касбий ижтимоийлашув омилларини ўрганиш шуни кўрсатадики, талабалар (25 %)нинг муваффақиятли ўқишлари учун салбий таъсир кўрсатадиган субъектив омил – бу ўз фаолиятини оқилона ташкил эта олмасликдир. 15% респондентлар олий таълим муассасасидаги қийинчиликнинг яна бир муҳим сабаби таълимни ташкил этишнинг муҳим шакли ҳисобланган семинар машғулотларида маъруза билан иштирок эта олмасликни кўрсатиб ўтишган. Чунки улар мазкур жараёнда ўз фикрларини аниқ ва тушунарли баён эта олмаслик, ўз нуқтаи назарида тура олмаслик каби қийинчиликларга дуч келадилар. Мазкур ҳолат профессор-ўқитувчилардан талабалар билан семинар ўтказишнинг самарали бўлиши учун уларни семинарга тайёргарлик кўриш ва семинарда иштирок этишга ўргатиб боришни талаб этади. Шунингдек, кўпчилик талабалар олий таълимда ўқиш тажрибасига эга бўлмаса ҳам ўқиш жараёнига мослашув омили сифатида мустақил ишлаш кўникмаларига эга эмасликни жуда кам талабалар (7%) қайд этиб ўтишган, холос. Талабалар маърузани конспект қилиб бориш кўникмасига ҳам танқидий ёндашишмаган, бор йўғи 3% талаба маъруза машғулотларида маълумотларни қайд этиб бориш мураккаб эканлигини таъкидлаб ўтишган.

Талабаларнинг ўқув фаолиятида натижага эришишлари самарадорлигини белгилаб берувчи билимларни мустақил эгаллаш алоҳида ўрин тутади. Ана шу сабабли талабаларнинг ўқув фаолияти мотивлари ва мутахассисликни танлаш сабабларини аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Кўпчилик биринчи курс талабалари олий маълумот олиш истагини ўқув фаолиятининг асосланган мотиви сифатида қайд этиб ўтишган.

Шунингдек, талабаларнинг катта қисми ота-онасининг истаги, оилавий анъанани давом эттириш мақсадида мазкур соҳани танлашганини қайд этиб ўтишган. 77% респондент талабалар жамиятда бугунги кунда мазкур соҳада ишлаш имкониятининг юқорилиги учун педагоглик касбини танлашганини маълум қилишган бўлса, айримлари дўстлар ва яқинларнинг маслаҳати ҳамда тасодиф туфайли ўқишга киришганини айтиб ўтишган.

Талабаларнинг ўқув фаолияти мотивларини ўрганиш асосида шундай хулосага келиш мумкинки, айрим йўналиш (масалан, педагогика ва психология) талабаларида шаклланган мотивлар олий таълимда ўқишнинг сўнгги натижаси (“юксак малакали мутахассис бўлиш”, “бўлажак касбий фаолият муваффаққиятини таъминлаш”, “диплом олиш”) кўринишига эга бўлса, баъзи йўналиш (табиий фанлар) талабаларида шаклланган ўқув мотивлари таълимнинг ташкилий жиҳатлари (“муваффаққиятли ўқиш”, “навбатдаги машғулотга тайёр бўлиш”, “профессор-ўқитувчиларнинг талабларини бажариш”, “яхши стипендия олиш”)га йўналганлиги билан ажралиб туради. Барча талабалар учун ўртача аҳамиятлиликка эга умумий мотив профессор-ўқитувчилар томонидан ҳурматга эришиш установкасидир. Педагоглар меъёр, қадрият, маданиятнинг узатувчиси ва муҳим ижтимоийлашув агентлари сифатида талабаларнинг касбий ижтимоий-лашувида муҳим роль ўйнайдилар.

Талабаларнинг гуруҳ ичидаги шахслараро муносабатлар тавсифи уларнинг ижтимоий-касбий мослашувида муҳим босқич ҳисобланади. 80% талабалар гуруҳдаги талабалар билан ўзларининг муносабатларини дўстона деб баҳолашади, гуруҳ ичидаги конфликтли муносабатлар борлигини фақат 3% респондентлар алоҳида ажратиб кўрсатишади.

Шундай қилиб, талабаларнинг ижтимоийлашуви билан боғлиқ бир нечта омилларни ўрганиш натижаларидан маълум бўладики, касбий ижтимоийлашув қандайдир битта омил таъсирида амалга ошиши мумкин эмас. Мазкур жараёнда бир ёки бир неча йўналишдаги ҳаракатни юзага келтирувчи қатор омилларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Педагогика олий таълим муассасаси талабаларини касбий ижтимоийлаштиришда сифат ҳамда миқдор фарқлари айнан бевосита ёки билвосита талабаларнинг олам ҳақидаги субъектив қарашлари, кўплаб ҳаракат, хулқ-атвор меъёрларининг шаклланишига таъсир кўрсатувчи мослашув омилларига боғлиқдир.

Одатда, абитуриентни олий таълим муассасасига қабул қилишда унинг аввалги босқичда эгаллаган билимлари ҳисобга олиниб, шахс сифатидаги ўзига хосликлари, қизиқишлари, касб танлаш мотивларига кам аҳамият берилади. Ўқув-тарбия жараёнида мазкур маълумотларни ҳисобга олмаслик эса талабанинг касбий мослашувини муваффақиятли амалга оширишга салбий таъсир

этиши мумкин. Талабанинг муваффақиятли таълим олиши бир томондан унинг мавжуд шароитга мослашув даражасида акс этса, иккинчи томондан мослашувнинг ўзи самарали таълим олиш ва талаба шахси кейинги ривожининг муҳим шарти бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижалари педагогика олий таълим муассасаси талабаларини касбий ижтимоийлаштиришда қуйидаги жиҳатларни ҳисобга олишни талаб этади:

1) талабаларда касбий ижтимоийлашув жараёнининг кечиши мураккаб динамикликка эга бўлиб, ижтимоий ва шахсий аҳамиятга эга қадриятли тасаввурларнинг ўзаро уйғунлашувини талаб этади;

2) талабалар учун ўқишнинг биринчи ва айрим ҳолларда иккинчи йили мураккаб вазиятлар билан бирга кечади;

3) олий таълим муассасасида таҳсил олиш жараёнида талабаларда ўз-ўзини англаш туйғуси ривожланади, атроф-олам ва борлиққа доир қадриятли муносабатлар тизимининг ривожланиши давом этади;

4) талабаларда базавий ўқув установкалари шаклланади;

5) талабалик йиллари ташкилий, методик, психологик тавсифга эга бўлиб, шахснинг шахсий ва касбий ижтимоийлашувининг энг муҳим босқичидир.

Адабиётлар:

1. Гапонова С.А. Особенности адаптации студентов вузов в процессе обучения // Психологический журнал.- 1994. – Т. 15. - №3. – С. 131-135.

2. Лагерев В.В. Адаптация студентов к условиям обучения в техническом вузе и особенности организации учебно-воспитательного процесса с первокурсниками.- М.: НИИВО, 1991.

3. Петропавловская С.М. Социально-педагогическая адаптация учащихся профессионального лицея: автореферат дис. … канд. пед. наук. Институт развития профессионального образования Министерства образования РФ.- М., 2003.

4. Шепилова Н.А. Социально-педагогическая адаптация студентов вуза в процессе формирования их ценностного отношения к педагогической профессии: автореферат дис. … канд. пед. наук. Магнитог. гос. ун-т.- Магнитогорск, 2003.

5. Сычев А.В. Социально-педагогическая адаптация первокурсников к обучению в вузе: На примере факультета физической культуры и спорта: автореферат дис. … канд. пед. наук. Тамб. гос. ун-т.- Тамбов, 2004.

6. Эгамбердиева Н.М. Маданий-инсонпарварлик ёндашув асосида талабаларни шахсий ҳамда касбий ижтимоийлаштириш назарияси ва амалиёти (Педагогика олий таълим муассасалари мисолида): Педагогика фанлари доктори ... дисс.– Т., 2010.

Самарқанд давлат университети,
2017 йил 4 январда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Н.Эгамбердиева)